

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши кворуми ҳақида
1-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2025 йил 10 февраль

Йиғилиш ўтказилган вақт: 11:00

КВОРУМ:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли (кворумга эга) деб топилади ҳамда 58-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.


Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **593 644 242** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **547 990 573** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **2 369** дона.

Йиғилиш кворуми овоз берувчи акцияларнинг **92,3** фоизини ташкил этди.


Санок комиссияси:



С.Ф. Аликулов



Д.Б. Гулмуратова



Б.Б. Нўмонжонов

Баён тузилган сана: 2025 йил 10 февраль

“Ўзметкомбинат” АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий
йиғилиши овоз бериш натижалари ҳақида
2-БАЁН

Йиғилиш ўтказилган жой манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглр маданият саройи.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2025 йил 10 февраль

Йиғилиш ўтказилган вақт: 11:00

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **593 644 242** дона.


Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **547 990 573** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **2 369** дона.

Т/р	Кун тартибидаги масалалар:	Ўқлаб	Қарши	Бетараф
1.	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти 1-иловага мувофиқ ва санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин: – Сардор Гуломжон ўғли Алиқулов – Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Бошқарув органлари билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи; – Дилором Ботировна Гулмуратова – корпоратив муносабатлар бўйича етакчи мутахассис; – Баходир Бахром ўғли Нўмонжонов – корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис.	547 990 610	2 332	0
2.	“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	547 990 610	2 332	0

	2. Ходимлар ва ташкилий ривожланиш дирекцияси (Плескачевская) бир ой муддатда янги ташкилий тузилмадан келиб чиқадиган тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.			
3.	“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари талабларига мувофиқ текшириш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунларини молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари талабларига мувофиқ текшириш учун “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин. 2. Аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ 148 960 000 сўм миқдорида белгилансин.	547 992 916	26	0
4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги қарори ижросини таъминлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги қарори ижро учун қабул қилинсин. 2. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи (Ахмедов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 ноябрдаги топшириғи ижросини таъминласин.	547 992 942	0	0
5.	““Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тартибини белгилаш тўғрисида”ги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш. Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар: 1. ““Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тартибини белгилаш тўғрисида”ги низом 3-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.	547 990 584	2 358	0

Санок комиссияси:



С.Ғ. Аликулов



Д.Б. Гулмуратова



Б.Б. Нўмонжонов

Баён тузилган сана: 2025 йил 10 февраль